



Ўзбекистон
Республикаси
Фанлар академияси

Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги
“Ўзпахтасаноат”
акциядорлик жамияти

ҚЎШМА БУЙРУҚ

2015 йил “ 31 ” декабрь № 4/2/2011

Тошкент ш.

Геномика ва биоинформатика
марказининг бошқарув тизimini
янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг (кейинги ўринларда - Муассис ташкилотлар) 2012 йил 18 апрелдаги 10/2, 70, 49-сон қўшма буйругига мувофиқ илмий муассаса мақомига эга бўлган Муассис ташкилотлар қошида идораларро “Геномика ва биоинформатика маркази” ташкил этилган.

Марказда замонавий геном тадқиқотлари олиб борадиган илмий мактаб шакллантирилиб, 16 нафардан ортиқ ёш олимлар дунёнинг энг етакчи мамлакатлари геномика марказларида малака ошириб ва тажриба алмашиб кайтиб, хозирда Марказда ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Муассис ташкилотларнинг 2012 йил 18 апрелдаги 10/2, 70, 49-сон қўшма буйругида қўйилган мақсадларга тўлиқ эришилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 72-сон баёнида белгиланган вазифалар бажарилди.

Ўтган давр мобайнида, Марказ олимлари томонидан “ген-нокаут” технологияси 100 дан ортиқ давлатларда патентланиб, унинг асосида ҳеч қандай бегона ген ишлатилмаган гўзанинг “Порлок-1, 2, 3 ва 4” навлари яратилиши яқунланиб раёнлаштирилди ҳамда 2015 йилда “Порлок” навлари 60 минг гектар майдонларга экилди. Замонавий “маркерларга асосланган селекция” усули яратилиб, унинг ёрдамида юқори тола сифатига эга, хосилдор “Гавнақ” навлари яратилиб, хозирги кунда давлат нав синовларидан ўтказилмоқда. Шунингдек, Марказда галла, картошка, узумнинг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, юқори сифатли, хосилдор навларини яратиш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бирок, қўшма буйруқда белгиланган муассис ташкилотлар бир нечта бўлганлиги, улардан бири - “Ўзпахтасаноат” уюшмаси (хозирда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти) нодавлат ташкилот ҳисобланганлиги сабабли идораларро ташкил этилган Марказни илмий-тадқиқот муассасаси шаклида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида рўйхатдан ўтказишда ва уни амалдаги

конунчилик асосида тўлақонли фаолият кўрсатишида номутаносибликлар ҳамда бир қатор муаммолар келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тақлифига кўра мавжуд муаммоларни Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда бартараф этиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 27 октябрдаги ПФ-4761-сон Фармониغا асосан “Ўзпахтасаноат” уюшмаси тугатилиш унинг негизда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти тасвис этилиб, янги ташкил этилган “Ўзпахтасаноатэкспорт” ҳолдинг компанияси таркибига киритилганлигини инобатга олиб,

БҲЮРАМИЗ:

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” уюшмасининг идоралараро “Геномика ва биоинформатика маркази”ни ташкил этиш бўйича 2012 йил 18 апрелдаги 10/2, 70, 49-сон қўшма буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. Муассис ташкилотлар қосидаги идоралараро “Геномика ва биоинформатика маркази” негизда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қончилигида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибда илмий-тадқиқот муассасаси мақомига эга бўлган давлат ташкилоти - “Геномика ва биоинформатика маркази”ни тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибда янги ташкил этиладиган “Геномика ва биоинформатика маркази” алоҳида баланста мувофиқ, Муассис ташкилотларнинг 2012 йил 18 апрелдаги қўшма буйруғи кўра уларнинг ҳузурда оператив бошқарув ҳуқуқи билан бириктирилган (Нобел илмий асосб-ускуналар, компьютер техникалари ва мебеллар билан тулик жиҳозланган 4 қаватли бино ҳамда Қиёрай туманидаги “Махсус уруғчилик хўжалиги”) мулк, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, хусусан олиб бориладиган илмий-техник лойиҳалар бўйича ҳуқуқий ворис ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти билан биргалликда идоралараро “Геномика ва биоинформатика маркази” учун барпо этилган “Махсус уруғчилик хўжалиги” ва капитал таъмирдан чиқарилган бино ва иншоотларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибда янги ташкил этиладиган “Геномика ва биоинформатика маркази” га оператив бошқарув ҳуқуқи билан ўтказиб бериш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг Марказни ташкил қилишида ва унинг моддий техника базасини яратишида ҳамда 2012-2015 йиллар давомида илмий-техник, инновацион фаолиятни шакллантиришдаги муҳим ўрни ва улушларини инобатга олиб, келгусида ҳам Марказда юқори технологиялар яратилишини молиялаштириб бориш ва натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишни узулуксиз таъминлаш мақсадида.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг масъул ходимларидан таркиб топган Васийлик кенгаши иловага мувофиқ тузилсин ҳамда унинг фаолияти ва вазифалари белгилансин;

Марказ фаолиятида юқори инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва лицензиялашдан олинмаган фойдаладаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг улуши 80 фоизни, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги 10 фоиз ҳамда “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг улуши 10 фоизни ташкил этиши катъий белгилан кўйилсин.

5. Васийлик кенгаши мунтазам равишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти томонидан қўйидаги ишларнинг бажарилишини мувофиқлаштирилишини таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан – Марказда фундаментал ва амалий тадқиқотларни дунё фани даражасида ривожлантириш, уларнинг давлат илмий-техник дастурлари доирасида устувор равишда молиялаштириш, илмий кадрларни тайёрлаш ва мутахассисларни чет мамлакатларнинг нуфузли марказларида малакасини ошириб бориш ҳамда тўпаланган билим ва тажрибаларни олий таълим тизими билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан - Марказда яратилган кишлоқ хўжалиги эканларининг янги истиқболли навларини дала шароитларида кенг синаш, уруғларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришга жалал жорий қилиш ҳамда олиб бориладиган тадқиқотлар учун устувор тарзда инновация маблағларини ажратиш.

6. Маъқур қўшма буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамизда қолдирамыз.



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти

Ш.Салихов



Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги



“Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти